

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТКИЛГАН

Мазкур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-ўқувчи бўлишлари факультетининг Мухтафизлаштирувчи кенгашининг 2021 йил «25» _____ даги _____ сонли йўналишда маъқуллагани, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» _____ даги _____ сонли буйруғи билан тасдиқланган.

**60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) бакалаврият таълим
йўналишининг малака талаблари**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мазкур Малака талаблари "Олий таълим асосий таълим стандарти Асосий қондилов", "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори", Ўзбекистон Республикаси Миллий ақдош раёонида музофид ишлаб чиқилган ва расмий интернет-ўқувчи хизмат қишлоғида.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудия Малака талабларини расмий чоп этиши ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълимчилар.

Тошкент-2021

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 365
"25" 08 2021 йил

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари	5
1.2.4. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	6
2.1. Умумий компетенциялар.....	6
2.2. Касбий компетенциялар.....	6
Библиографик маълумотлар.....	7
Керишув varaғи	8

1. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг тавсифи

60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва кечки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) таълим йўналиши – фан соҳасидаги бакалавриат таълим йўналиши бўлиб, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари, оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, ўрта, ўрта махсус касбий таълимнинг давлат ва нодавлат муассасаларида комплекс масалалар билан боғлиқ касбий соҳалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- ўрганилаётган тилнинг назарий ва амалий асослари ва луғат бойлиги, мазкур тилда илмий ва бадиий адабиётларни таржима қилиш жараёнлари;

- ўрганилаётган тилдаги таржималар ва унинг ривожланиш жараёни;

- ўрганилаётган тиллардан бири бўйича унинг назарий, тарихий, шевашунослик аспектлари;

– таржима назарияси ва амалиётининг асослари, матн таржимаси, синхрон таржима, кетма-кет таржима, бадиий таржима, терминология таржимаси, ёзма таржима, оммавий ахборот таржимаси, визуал таржима ва нутқ маданияти тамойиллари.

- 60230100 – *Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалавриат битирувчилари фан соҳасидаги бакалавриат таълим йўналишини томонлагандан сўнг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида соҳага оид фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади.

1.2.3. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- *илмий-тадқиқот;*
- *таржимонлик фаолияти;*
- *таржимонлик ва муҳаррирлик фаолияти;*
- *ташкилий-бошқарув фаолият;*
- *ОАВ да таржимонлик фаолияти;*
- *педагогик (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида).*

1.2.4. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60230100 – *Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича)* таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида: таълим сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;;

- таълим жараёнларининг самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган технологияларни режалаштириш; ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;;

- атроф муҳитни муҳофаза қилишда чиқиндиларнинг меъёрий талаб нормаларига ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш ва назорат қилиш;

соҳага оид инновацияларни амалиётга татбиқ қилишни ташкил этиш;

ишлаб чиқариш шароитларида атроф муҳитга кўрсатиладиган таъсир жараёнлари ва даражаларини баҳолаш;

- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш фаолияти бўйича иш режасини тузиш, бажариш,
- назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини таъминлаш.

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида педагогик фаолиятида:

- умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш;

- ўқув фанларини ўқитиш услубиётини эгаллаш;

- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-услубий ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;

- мустақил таълим ва ижодий изланиш натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги услублар, воситалар ва шакллар тизимида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш.

Ахборот-таҳлилий фаолиятида:

- бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ташкилотнинг ташқи ва ички муҳити омиллари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
- қарор қабул қилиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, ташкилотнинг ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини бошқариш;
- ташкилотнинг ички ҳужжат айланиши тизимини ишлаб чиқиш ва бошқариш, ташкилотлар фаолиятининг турли кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини юритиш;
- лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш;
- ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш;
- бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолаш.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- ўтказилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича методлар, дастурий ечимлар, янги тадқиқотлар қилиш ва ишлаб чиқиш; намунавий методикалар ва бошқалар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш; ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий обзорларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тўзиш;
- интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналтирилган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёргарлик ихтисослигига мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш қобилиятларига эга бўлиши керак. Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг мос таълим муассасаларида педагогик (қайта тайёрлашдан сўнг) фаолиятда: амалий ва назарий билимларни ўргатишнинг янги педагогик методларини билиш ва қўллай олиш;
- ўқитилаётган фанда кечаётган ҳар қандай ўзгаришларни ижодий равишда кўзатиб бориш, ўқитишнинг услуб ва воситалари соҳасида ўз билим ва кўникмаларини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш.

2. 60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича)

таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассавурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича маистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар;

- амалиётда ахборот технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий услубларини, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш қобилиятларига эга бўлиши керак.

- дунёқараш билан боғлиқ фалсафий билимларга тизимли эга бўлиши, мустақил таҳлил қила олиши, касбий фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўққув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002-651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, таржима назарияси ва амалиёти, таржимонлик ва муҳаррирлик фаолияти, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриатнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:
Ўзбекистон Миллий университети**

Ректор И.Маджидов

2021 йил «20» 08



КЕЛИШИЛГАН:

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази**

Директор М. Эсонов

2021 йил «25» 08

М.Ў.

**Ўзбекистон Давлат жаҳон тилари
университети**

Ректор У.Азизов

2021 йил «22» 08

**Тошкент давлат шарқшунослик
университети**

Ректор Г.Рихсиева

2021 йил «20» 08

